# МАТЕРИАЛЫ

## МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
## “ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО И ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ, РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ И ТУРИЗМА В СОВРЕМЕННЫХ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ”

**Г. НУКУС, 26-27 ОКТЯБРЯ 2021 ГОДА**

# MATERIALS

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
## “ISSUES OF SOCIO-ECONOMIC AND INNOVATIVE DEVELOPMENT OF TERRITORIES, NATURE MANAGEMENT AND TOURISM IN MODERN GEOGRAPHICAL STUDIES”

**NUKUS, OKTOBER, 26-27, 2021**









**Министерство высшего и среднего специального образования**
**Республики Узбекистан**
**Каракалпакский государственный университет имени Бердаха**
**Географическое общество Узбекистана**
**Географическое общество Таджикистана**

# ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ, ТАБИАТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ТУРИЗМ МАСАЛАЛАРИ

**Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари**

(Нукус ш., 2021 йил 26-27 октябрь)

**Материалы Международной научно-практической конференции**

# ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО И ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ, РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ И ТУРИЗМА В СОВРЕМЕННЫХ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

(г. Нукус, 26-27 октября 2021 года)

# ЗАМАНАГӨЙ ГЕОГРАФИЯЛЫҚ ИЗЕРТЛЕЎЛЕРДЕ АЙМАҚЛАРДЫҢ СОЦИАЛ-ЭКОНОМИКАЛЫҚ ҲӘМ ИННОВАЦИЯЛЫҚ РАЎАЖЛАНЫЎЫ, ТӘБИЯТТАН АҚЫЛҒА МУЎАПЫҚ ПАЙДАЛАНЫЎ ҲӘМ ТУРИЗМ МӘСЕЛЕЛЕРИ

**Халық аралық илимий-әмелий конференциясы материаллары**

(Нөкис қ., 2021-жыл 26-27-октябрь)

**I часть**

**Нукус - 2021**

йилларда буғдойдан бўшаган майдонларга иккиламчи экин сифатида кўчат ўрнатиш йўли билан 20-30 минг гектаргача қўшимча равишда экилмоқда) гектарни ташкил этди. Шу давр ичида ялпи шоли экинлари ҳосили 240 минг тоннадан 380 минг тоннага етказилди. Жами ерлардан олинган ўртача ҳосилдорлик гектарига 18 центнердан 45,0 центнергача кўтарилди. Вилоятда 2010-2020 йилларда 25200 гектар майдонда шоли экинлари экилган бўлиб, шундан 2019 йилда 24943 га, 2020 йилда 25200 гектарни ташкил этган. Келажакда 2022 йил ҳосил учун 30300 га майдонга экиш режалаштирилган [4].

**Хулоса.** Қишлоқ хўжалигида шоличиликни илмий асосда ҳудудий тўғри ташкил этиш, унинг таркибий қисмларини мутаносиб жойлаштириш ва режалаштириш ҳар бир минтақанинг ўзига хос табиий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ушбу омиларни ҳисобга олиш, уларнинг ҳозирги пайтдаги ҳолатини баҳолаш ва шу асосда шоличиликни режалаштиришнинг келажак истиқболларини яратиб бериш бугунги даврнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Шунга асосан, Хоразм вилояти табиий шароитининг ўзига хослиги, тупроғининг таркибига қараб ва сув ресурслари билан таъминланганлиги эътиборга олиниб, шоличилик мақсадида тупроқларни гуруҳларга ажратиш қуйидагилардан иборат: 1) Эскидан (қадимдан) суғорилаётган тупроқлар (50 йилдан ортиқ вақт давомида) 2) Янгидан суғориладиган тупроқлар (10 йилдан 50 йилгача) 3) Янгитдан ўзлаштирилган тупроқлар (бу тупроқларга 10 йилгача). Бу гуруҳлар ер ости сувлари, тупроғи, рельефи, қишлоқ хўжалиги соҳаларининг ихтисослашуви, экин ҳосилдорлиги билан бир-биридан фарқ қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авезов С.А. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишда картографик методдан фойдаланиш. Г.ф.н. … дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 18-б.

2. Абдуллаев С.А., Боиров А.Ж., Сатторов Ж.С. Хоразм вилояти тупроқлари. – Т.: Фан, 2002. – 120 б.

3. Эгамбердиев А., Мўминов А.А, Уврайимов С.Т Ижтимоий-иқтисодий картография. – Т., 2021. – 138 б.

4. Тошбеков Ў.Т. Тупроқни далада текшириш ва хариталаш. – Гулистон, 2007. – 124 б.

5. Тошбеков Ў.Т., Алтмишев А.Ш., Жапақов Н.Б. Тупроқни далада текшириш ва харитага тушириш. – Гулистон, 2015. – 58 б.

**Қодиров А.А.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ

**Аннотация.** *Ишда мамлакатимизда иқтисодий – ижтимоий география фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш ва уни амалга оширишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *фан тарихи, давр, босқич, даврлаштириш, гуманитарлашув, ёндашув.*

**Периодизация истории становления и развития экономической и социальной географии в Узбекистане**

**Аннотация.** *В работе рассматриваются вопросы периодизации истории становления и развития экономической и социальной географии в республикке и факторы, которые необходимо учитывать при этом.*

**Ключевые слова:** *история науки, период, этап, периодизация, гуманитаризация, подход.*

**Periodization of the history of formation and development of economic and social geography in Uzbekistan**

**Abstract.** *The work addresses issues that need to be taken into account in the chronology and implementation of the history of the formation and development of economic and social geography in our country.*

Key words: *history of science, period, stage, periodization, humanitarianism, approach.*

Ер юзидаги ҳар бир ҳудуд ўз тараққиёт тарихига эга. Ушбу ҳудудларда фан соҳаларининг қай даражада ривожланганлиги улар тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир. Фан тарихини ўрганиш унинг босиб ўтган тараққиёт йўлини таҳлил қилиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Маълумки география фанининг ривожланиши ҳам бошқа фанлар сингари жамият ривожланиши ҳамоҳанг тарзда кечган. Шунинг учун ушбу фанга оид билимларнинг ривожланиш тарихини ўрганишда, биз фанда қабул қилинган даврлаштиришни асос қилиб оламиз.

Маълум географик воқелик нафақат маконда, балки замонда ҳам ўзгариши табиий ҳол. Қотиб қолган ёки ривожланмайдиган географик воқелик табиатда мавжуд эмас ва биз уни ривожланиш жараёнида ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз лозим. Фан тарихини қиёсий - тарихий усулда ўрганиш унинг тараққиётига тўғри баҳо бериш ва келажакка назар ташлаш, яъни олдиндан айтиш (прогноз қилиш) имконини беради. Бу ўз навбатида, фаннинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи илмий назарияларни яратишга олиб келди [3].

Машҳур рус олими Б.Б.Полинов илм-фан тарихини ўрганишнинг мутлақ зарурлиги ҳақида ёзиб, бундай тадқиқотлар нафақат фаннинг босиб ўтган йўлни ёритади, балки кейинги тадқиқотлар йўналишини ҳам аниқлашни осонлаштиради деб айтган эди.

Фан соҳаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштиришда унинг қамров миқёси ҳам инобатга олинмоғи лозим. Бу жиҳатдан локал (маълум бир мамлакат доирасида), регионал (минтақа) ва глобал (дунё) миқёсдаги даврлаштириш амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари даврлаштириш тамойиллари ишлаб чиқилиши лозим. Профессор А.Н.Нигматов географик қарашларнинг глобал (дунё) миқёсдаги ривожланиш ва шаклланиш даврлари схемасини ишлаб чиқишда ушбу масалага европацентризмча ёндашувидан қочиш, мавжуд бўлган мафкура эмас, балки фанга оид қарашлар тизимининг бирламчилигини инобатга олиш ва масалага хронологик эмас, балки, географик илм ва таълимга янгича қарашлар асосида ёндашиш тамойилларини асос қилиб олган [2].

Республикамиз ҳудудида иқтисодий географик қарашларнинг шаклланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Аммо буни иқтисодий географиянинг фан сифатида шаклланишидан фарқлаш лозим. Чунки ҳар қандай фан шу соҳадаги энг мукаммал қарашларнинг йиғиндисидан, мажмуидан иборатдир. Узоқ тарихий тараққиёт давомида барча фанлар каби география ҳам ўзининг бетакрор ва мураккаб шаклланиш ҳамда ривожланиш йўлни босиб ўтган [6,7].

Турли даврларда фанлар ривожланишида шиддат билан олдинга силжишлар ва шу билан бирга тараққиётдан орқага қолиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Ушбу ҳолатлар бевосита Ўзбекистон географияси тарихига ҳам дахлдордир. Масалан Европадаги Буюк географик кашфиётлар ушбу ҳудудда фан ва маданият ривожига ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда бизнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини кескин тушиб кетишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида ҳам жамият ва ҳам фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Натижада жаҳон умумий тараққиётидан орқага қолиш ва мавжуд бўлган алоқаларнинг узилиши фанлар тараққиётининг орқага кетишига ҳам олиб келди.

Фан тарихи масалалари ўрганилаётганда юқоридаги каби ҳолатлар синчиклаб ўрганилади, таҳлил этилади ҳамда маълум бир фан соҳасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштиришда ҳисобга олинади.

География фани тарихини даврлаштиришда қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

1. Ўрганилаётган даврнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда ҳудуддаги сиёсий вазиятга баҳо бериш.

2. Фан соҳаси бўйича аниқ маълумотларнинг тўпланиш хусусиятлари ва уларнинг ушбу фан шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамиятига баҳо бериш.

3. Ўрганилаётган фан соҳаси бўйича ушбу ҳудуддан ташқарида шаклланган ғоялар, фикрлар ва тушунчаларнинг кириб келиши ҳамда уларга муносабат масалаларини таҳлил этиш.

4. Ўрганилаётган ҳудудда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ҳамда уларнинг натижаси, шунингдек ислоҳотларни амалга ошириш бўйича фан олдига қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш.

5. Ўрганилаётган ҳудудда фан соҳасида эришилган ютуқларни назарий, илмий ва услубий жиҳатдан таҳлил қилиш [1,3].

Ҳозирги кунда география фанининг тараққиёт тарихини даврлаштириш бўйича бир неча вариантдаги ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосан географиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш тарихини умумий ҳолда акс эттиради. Бундай ёндашувларни биз яқин ўтмишнинг машҳур географ олимлари И.П.Герасимов, Л.П.Шубаев, Ю.Г.Саушкин, А.А. Григорьев, Н.А.Гвоздецкий, А.Г.Исаченко, В.П.Максаковский, В.А.Шальнев, М.М.Голубчик ва С.П.Евдокимов кабиларнинг ишларида кўришимиз мумкин [2].

Биз республикамизда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш схемасини ишлаб чиқишда Ўрта Осиё ва республикамизда географик тадқиқотлар тарихи бўйича фаолият олиб борган олимлар, хусусан Ҳ.Ҳасанов, А.Азатьян, Р.Югай, Р.Раҳимбеков, З.Донцова, А.Очилов, У.Обидов каби ўзбек олимларининг фикрларига таяндик. Иқтисодий – ижтимоий география фани шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳамда унинг айрим даврлари бўйича маълумотларни З.Акрамов, О.Отамирзаев, А.Солиев, Қ.Абирқулов, М.Назаров, З.Тожиева, В.Федорко, Ш.Қурбонов каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилган олимлар ва уларнинг ишларида кўрсатилган фикрларга таянган ҳолда республикамизда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини қуйидаги уч давр ҳамда саккиз босқичга ажратдик:

**1 - давр** ХХ асрнинг 20-йилларигача бўлган Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шаклланиши ҳамда иқтисодий географияга оид янги тушунчаларнинг кириб келиш даври. Бу давр қуйидаги икки босқични ўз ичига олади:

**1 - босқич:** XIX асрнинг 60-йилларигача бўлган яъни Ўрта Осиёда умумаҳамиятга эга бўлган мумтоз географик тасаввурлар шаклланган босқич.

**2 - босқич:** Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олинишининг бошланишидан шўро ҳокимиятининг ўрнатилишигача бўлган иқтисодий географияга оид янги тушунчаларнинг кириб келиш босқичи.

**2 - давр** ХХ асрнинг 20-йилларидан то ХХ аср 90-йилларигача бўлган собиқ Иттифоқ даври. Бу давр ўз навбатида қуйидаги тўрт босқични ўз ичига олади:

**1 - босқич:** ХХ асрнинг 20-40 йиллари. Шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мамлакат халқ хўжалигини шакллантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий географик тадқиқотлар босқичи

**2 - босқич:** II Жаҳон уруши (1941-1945) йиллари. Иқтисодий географ кадрларни тайёрлаш ва соф иқтисодий географик тадқиқотларнинг бошланиш босқичи

**3 - босқич:** 1946-1975 йиллар. Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш ва жойлаштириш билан боғлиқ иқтисодий географик тадқиқотлар босқичи

**4 - босқич:** 1976-1990 йиллар. Иқтисодий географиянинг иқтисодий ва социал география мақомини олиши муносабати билан социал географик тадқиқотларга эътиборнинг кучайиш босқичи

**3-давр** Мустақиллик даври. Бу давр ҳам ўз навбатида қуйидаги икки босқични ўз ичига олади:

**1 - босқич:** Мустақилликнинг дастлабки йиллари (1991-2016). Республикамизнинг сиёсий мустақилликка эришиши ва бозор иқтисодиётига муносабатларига ўтиш ҳамда мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда тадқиқотларнинг янги босқичга ўтиши

**2 - босқич:** Ҳозирги янги давр (2016 - ҳозирги кунгача) Мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилиши муносабати билан иқтисодий географик тадқиқотларни ушбу стратегияни амалга оширишга йўналтириш ва таълим ҳамда фан соҳаларининг гуманитарлашуви босқичи.

Хулоса қилиб айтганда, биз таклиф этаётган Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш схемаси тавсиявий аҳамиятга

эга. Ушбу схемада айрим камчиликлар ҳам бўлиши эҳтимолдан хол эмас. Ажратилган даврлардан эса мутлоқ чегара қўйиш мақсад қилинмаган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Азатьян А.А. О географической изученности Средней Азии до второй половины XIX столетия // Известия Узбекистанского филиала Географического общества СССР. 1962. Т. VI. – С. 123-134.
2. Нигматов А.Н., Тошпулатов Н.М. Географик қарашларни даврлаштириш тажрибаси // Ўзбекистонда география фанининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2016. – Б. 296-298.
3. Обидов У.А., Назаров И.Қ., Дадажонова М.Б. География тарихи фанининг предмети, объекти ва вазифалари // Ўзбекистонда география фанининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2016. – Б. 299-301.
4. Очилов А. Ўрта Осиё географияси тарихини даврлаштириш масаласи // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 2003. 23-жилд. – Б. 63.
5. Рахимбеков Р.У, Донцова З.Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 200 б
6. Солиев А.С., Маҳамадалиев Р. Иқтисодий география асослари. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 72 б
7. Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б. Становление и развитие экономической и социальной географии в Национальном университете Узбекистана // Известия Географического общества Узбекистана. 2018. Т. 53. – С. 72-81.


**Комилова Н., Рахимова Т., Отабаева Н., Зайнутдинова Д.**

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ТИББИЙ ГЕОГРАФИК ВА ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Аннотация.** *Ушбу мақолада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда тиббий географик ва экологик билимларнинг роли, бу борада олиб борилган тадқиқотлар ёритилган. Она-бола саломатлигига таъсир қилувчи омилларга эътибор қаратилган. Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини яхшилашга тўсиқ бўлган географик ва нозоэкологик муаммолар ва бошқалар ҳақида фикрлар берилган.очиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *тиббий географик тадқиқотлар, соғлом авлод, соғлом оила, касалланиш кўрсаткичлари, соғлом турмуш тарзи, аҳоли саломатлиги, ижтимоий муҳит.*

**Роль медико-географических и экологических знаний в укреплении здоровья населения**

**Аннотация.** *В статье обсуждается роль медицинской географии и экологических знаний в укреплении здоровья населения, а также исследования в этой области. Уделяется внимание факторам, влияющим на здоровье матери и ребенка. Даны мнения о географических и нозоэкологических проблемах, препятствующих улучшению здоровья населения в Узбекистане.*

**Ключевые слова:** *медико-географические исследования, здоровое поколение, здоровая семья, показатели заболеваемости, здоровый образ жизни, здоровье населения, социальная среда.*

**Medical geography and in strengthening the health of the population the role of environmental knowledge**

**Abstract.** *This article describes the role of medical geography and environmental knowledge in strengthening the health of the population, research conducted in this regard. Attention is paid to factors affecting maternal and child health. Opinions are given on geographical and nosoecological problems and other obstacles to improving the health of the population in Uzbekistan.*

**Key words:** *medical geography, healthy generation, healthy family, morbidity rates, healthy lifestyle, population health, social environment.*

**Кадиров Муродилло Асламович** - доцент кафедры социально-экономической географии Самаркандского государственного университета (Самарканд, Узбекистан), кандидат географических наук, доцент. E-mail: Kadirov65@umail.uz

**Кадирова Мохигул Махсудовна** – учитель географии школы № 21 Самаркандского района Самаркандской области (Узбекистан). E-mail: Kadirov65@umail.uz

**Каландаров Умарбек Самандарович** – базовый докторант кафедры геодезии, картографии и географии Ургенчского государственного университета (Ургенч, Узбекистан). E-mail: umarbek2012@mail.ru

**Каримбаев Койлыбай Конысбаевич** – преподаватель кафедры физической географии и гидрометеорологии Каракалпакского государственного университета (Нукус, Узбекистан). E-mail: Karimbaev89@inbox.ru

**Кодиров Абдулла Ахмадович** - базовый докторант кафедры экологии и географии Бухарского государственного университета (Бухара, Узбекистан). E-mail: humoyunahmedov26@gmail.com

**Комилова Нилуфар Каршибоевна** - профессор кафедры экономической и социальной географии Национального университета Узбекистана (Ташкент, Узбекистан), доктор географических наук, профессор.

**Крахмаль Константин Андреевич** – доцент Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (Чирчик, Узбекистан), кандидат исторических наук, доцент. E-mail: panterra1950@mail.ru

**Куванликов Олимжон Холбоевич** - старший преподаватель Самаркандского государственного университета (Самарканд, Узбекистан).

**Кудратова Лобар Таштурди кизи** – магистрант 2-курса Национального университета Узбекистана (Ташкент, Узбекистан).

**Кузибоева Озода Махкамовна** – доцент кафедры географии и основ экономических знаний Кокандского государственного педагогического института (Коканд, Узбекистан), кандидат егографических наук, доцент.

**Кузиев Фарход Нормаматович** – младший научный сотрудник Лаборатории комплексного регионального географического прогнозирования Института сейсмологии Академии наук Республики Узбекистан (Ташкент, Узбекистан). E-mail:farhod_gis@mail.ru

**Купцов Сергей Евгеньевич** – ассистент кафедры социально-экономической географии и туризма Ярославского государственного педагогического университета им. К.Д. Ушинского (Ярославль, Россия). E-mail: djkupcov@mail.ru

**Курбонов Пахлавон Рустамович** – начальник учебно-методического управления Каршинского государственного университета (Карши, Узбекистан), кандидат географических наук, доцент. E-mail:paxlavon82@mail.ru

**Гуфранов Д.Н., Турдиев Т.М.** Экологические проблемы использования природных ресурсов Согдийской области 108
**Демеуов А.Б., Курсабаев М.К., Тилекова Ж.Т., Бердыгулова Г.Е.** Природный парк «Тарбагатай» как объект исследования туристско-археологического комплекса 112
**Деточенко Л.В.** Анализ мирового рынка сжиженного природного газа 2018 года – года «благоденствия» СПГ 118
**Джураев А., Хакназаров У., Ибодов Ш.** Сущность и определение понятия «туризм» 123
**Джураев Д.У., Уралов М.Д.** Ўзбекистоннинг географик объектлари учун кўп тилдаги электрон луғат яратиш орқали худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланишини жадаллаштириш 129
**Djurayev M.E.** Paragenetik landshaftlardagi vertikal va gorizontal aloqalar (Farg'ona vodiysi misolida) 132
**Дружинин А.Г.** Аква-территориальная организация современной России: понятийно-терминологические аспекты 134
**Дымшакова А.А., Суворова А.И.** Потенциал городских зелёных насаждений в учебно-воспитательном процессе школы 139
**Ембергенов Н.Ж., Жолдасов А.С., Каримбаев Қ.Қ., Алиева Б.А.** Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг худудий таркибини такомиллаштиришда минерал хом ашё ресурсларининг аҳамияти 141
**Есипова С.А.** Анализ конкурентных преимуществ туристской отрасли Ханты-Мансийского автономного округа – Югры 144
**Jaqsibaev R.N., Gabbarov S.N., Sultashova O.G., Maxsudov R.I.** Yaylov yerlarning bugungi kundagi holati va ularning geoinformatsion tahlili (Qoraqalpog'iston Respublikasi misolida) 148
**Jumaboyev R.R., Matchanov M.J.** Shovot tumanida qurg'oqchil yillarda ko'llar suvidan dehqonchilik maqsadlarida foydalanish imkoniyatlarini kartalashtirish 151
**Ибрагимов О.А.** Муқобил энергия ресурсларининг географик ахборот тизими маълумотлар базасини яратиш ва ишлатиш механизми 154
**Ивлиева О.В.** Туристская привлекательность и природно-рекреационный потенциал Юга России 158
**Исакова А.Я., Артикова Ф.Я.** Расчет максимальных расходов в руслах рек по отметкам высоких вод 162
**Исаченко Г.А.** Особо охраняемые природные территории как факторы формирования среды мегаполиса (на примере Санкт-Петербурга) 165
**Исаченко Т.Е.** Ландшафтный подход к организации рекреационного природопользования 169
**Исмаилова Д.А.** Ландшафты района водохранилища «Таджикское море» 171
**Кадиров М.А., Кадирова М.М., Тоғаева Ф.** Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигининг ривожланиши 174
**Қаландаров У.С., Авезов С.А., Хамраев Э.** Шоличиликни режалаштиришда Хоразм вилояти тупроқларини худудий тарқалиши ва уни харитага олиш масалари 179
**Кодиров А.А.** Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш 182
**Комилова Н., Рахимова Т., Отабаева Н., Зайнутдинова Д.** Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда тиббий географик ва экологик билимларнинг тутган ўрни 185
**Крахмаль К.А., Сабитова Н.И., Абдуназаров У.К.** Памятники природы и культурно-исторического наследия правобережной сырдарьи как туристический потенциал региона 188
**Куванликов О.Х., Бердикулов Ф.Ф.** Инновацион ёндашув асосида интенсив боғдорчиликни ташкил этишнинг географик жиҳатлари 192
**Qudratova L.T.** Surxondaryo viloyati agsanoat tarmoqlarining rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar 195
**Кўзиев Ф.Н.** Орол денгизининг куриган тубидаги туз ва кум миграциясини ГИС технологиялари ва аэрокосмик маълумотлардан фойдаланиб мониторинг қилиш 198